

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2025 йил сентябрь ойининг 29 куни жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман суди, Эллиққалъа туманидаги “Бўстон” МФЙ, очик сайёр суд мажлисида раислик қилувчи шу туман судининг раиси Ш.Розимов, судья ёрдамчиси А.Абдуллаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Эллиққалъа туман прокурорининг ёрдамчиси А.Қўчқаров, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган “Advokat Maksud” адвокатлик бюроси адвокати М.Раджапов, жабрланувчи ХХХХ ва фуқаровий даъвогар вакили ХХХХнинг иштирокида, ХХХХга оид 1-2316-2501/97-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

ХХХХ (ХХХХ)-1996 йил 29 декабрда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, икки нафар фарзандлари бор, маълумоти ўрта-махсус, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, “Ибн Сино” МФЙ, ХХ истиқомат қилида, иш бўйича 25.07.2025 йилда ушланиб, 26.07.2025 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, терговчининг 08.08.2025 йилдаги қарори билан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси шахсий кафиллик эҳтиёт чораси ўзгартирилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган

Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар вакили ва гувоҳларни кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи ХХХХ фирибгарлик яъни ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали моддий бойлик орттириш мақсадида ўзининг қариндоши ХХХХ билан учрашиб, унга кредит асосида транспорт воситаси олиб беришини ва ушбу транспорт воситасида аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиш билан шуғулланиб кредит тўловларини ўзи тўлаб боришини айтиб, ХХХХни алдаб, унинг ишончига кириб, транспорт воситасини қўлга киритганидан сўнг уни сотиб юбориб, моддий фойда кўришни кўзлаб, 11.06.2024 йилда АТБ “Капиталбанк” Қорақалпоғистон филиалидан ХХХХнинг номига 128/5937/М5А-сонли кредит шартномаси асосида “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгилли автомашинани сотиб олиш учун 151.090.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини олишга эришиб, ушбу кредит тўловларни тўламасдан, 2024 йил 17 август куни ХХХХ номидаги “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгилли транспорт воситасини дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга



сотиб юбориб, пулларини ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб, ХХХХ ва “Капиталбанк” АТБ Қорақалпоғистон филиали манфаатларига жами 169.000.000 сўм миқдорида модий зарар етказган.

Судланувчи ХХХХ судда айбига тўлиқ иқроор бўлиб қуйидагича, яъни у 2024 йил июнь ойида кредит асосида автомашина сотиб олиб аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб кредит маблағини тўлашни ўйлаганлигини, номига кредит чиқмаганлиги сабабли, ушбу кредитни қариндоши ХХХХнинг номига олмоқчи бўлиб, у билан гаплашганлигини, яъни унга “Бўстон-Тошкент” йўналиши бўйича аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб, кредит тўловларини ўзи амалга оширишини автомашинани унинг номига расмийлаштирилишини айтганлиги сабабли у рози бўлганлигини, кейин ХХХХ билан бирга Беруний тумани жойлашган “Капиталбанк” АТБ Қорақалпоғистон филиалига бориб ариза беришганлигини, шу тариқа 11.06.2024 йилда Беруний туманидаги “Капиталбанк” АТБ Қорақалпоғистон филиали томонидан қариндоши ХХХХнинг номига 128/5937/М5А-сонли кредит шартномаси асосида “Lacetti Genra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгили автомашинани сотиб олиш учун 151.090.000 сўм миқдорида маблағ ажратилганлигини ва ушбу автомашинани гаров шартномасига асосан гаровга қўйилганлигини, тўлов графиги бўйича автомашина учун ойига 4.700.000 сўм тўлов амалга оширилиши белгиланганлигини, сўнг, у ушбу “Lacetti Genra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгили автомашинада 3 ой давомида “Бўстон-Тошкент” йўналиши бўйича аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсата бошлаганлигини, ХХХХ билан суҳбатлари давомида у автомашинани бошқа бир танишига бермоқчилигини айтганлиги сабабли у кредит бўйича тўловларни тўламаганлигини, кейин ХХХХ алоқага чиқиб уйига банкдан кредитни тўлаши бўйича хабарнома келганини билдирганлигини шунда унга кредит тўловларини тўлашини маълум қилиб тўловларни амалга оширмаганлигини, 2024 йил август ойи ўрталарида танишлари ХХХХ, ХХХХ ХХХХ билан бирга Самарқанд вилоятини айланиб келиш мақсадида йўлга чиқишганлигини, шу вақтда автомашинани сотиб юбориб пулларини эҳтиёжларига ишлатиш фикри пайдо бўлганлигини ва у олдин аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб юрган вақтлари танишиб қолган Самарқанд вилоятида яшовчи “Шерзод” исмли таниши билан алоқага чиқиб автомашинасини сотишини айтганлигини, бу ҳолатдан ХХХХ, ХХХХ ХХХХнинг хабари бўлмаганлигини, Самарқанд вилоятига яқинлашиб қолишган вақтда ХХХХ ва ХХХХ ўзаро келишмасдан қолишганлигини ва ХХХХ билан ХХХХ Тошкент шаҳрига кетишларини айтиб автомашинадан тушиб қолишганлигини, ХХХХ Самарқанд вилоятига етиб келишганидан кейин таниши “Шерзод” билан Самарқанд вилояти, Мирбозор деган жойида учрашиб, автомашинасини 2.200 АҚШ долларига савдолашиб сотиб, бир кун Самарқанд вилоятини айланиб Эллиққалъа туманига қайтиб келганлигини, кейинчалик автомашинани пулларини ўзининг эҳтиёжларига ишлатиб юборганлигини, уйдагилар ва Ж.Нуриддинов ундан автомашина қаерда эканлигини сўрашган вақтида уларга автомашина гаровда турганлигини айтиб уларни алдаб юрганлигини, ҳозирда автомашина бўйича банкдан бўлган кредит қарздорлиги тўлиқ тўланганлиги сабабли фуқаровий даъвогар ва судланувчининг унга нисбатан даъво эътирози йўқлигини, қилган



қилмишидан пушаймондалигини, бу каби ҳолатни бошқа такрорламаслигини, 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, оиласида ёлғиз боқувчи эканлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ўз айбига тўлиқ иқрор бўлиб кўрсатув берганидан ташқари унинг содир этган жиноий ҳаракатлари судда текширилган далиллар, жумладан:

Жабрланувчи ХХХХнинг суд мажлисидаги, яъни судланувчи ХХХХ қариндоши бўлишини, у билан муносабатлари яхши бўлганлигини, 2024 йил июнь ойининг бошларида ХХХХ қўнғироқ қилиб ишлари ва оилавий муносабатлари яхши эмаслигини, турмуш ўртоғи билан ажрашиш арафасида туришганлигини, кредитга автомашина олмоқчи эканлигини, агарда ўзининг номига автомашина олса турмуш ўртоғи билан ажрашиб кетганидан сўнг автомашина умумий мулк ҳисобланиб турмуш ўртоғини улуши ажратиб берилиши лозим бўлиб қолишини айтиб, ундан номига авто кредит асосида “Lacetti Gentra” русумли автомашинасини олиб беришни сўраганлигини, уни гапларидан ҳайрон бўлганлигини шу вақтда ХХХХ автомашина учун бошланғич тўловини кейинчалик эса “Бўстон-Тошкент” йўналиши бўйича аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатиб ойлик тўловларини ҳам ўзи тўлаб боришини, унга зарари тегмаслигини айтганлигини, ХХХХ қариндоши ва қийин аҳволда бўлганлиги сабабли унинг таклифига рози бўлганлигини, кейинчалик уни номига 11.06.2024 йилдаги “Капиталбанк” АТБ Беруний тумани филиали томонидан 128/5937/М5А-сонли кредит шартномаси асосида “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгилли автомашинани сотиб олиш учун 151.090.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини 27.9 % ҳисобидан кредит маблағлари ажратилганлигини ва автомашинани ўзи гаров сифатида қўйилганлигини, ХХХХ автомашинани олганидан кейин унга “Бўстон-Тошкент” йўналиши бўйича аҳолига пуллик транспорт хизматини кўрсатишни бошлаганлигини айтганлигини шу билан уни гапларига ишонганлигини, орадан 2 ой ўтганидан сўнг яъни 2024 йил август ойининг охирида уйига фото радарлардан жарималар ва “Капиталбанк” АТБ Беруний тумани филиалидан кредит маблағларини ўз вақтида тўлаш бўйича огоҳлантириш хатлари кела бошлаганлигини, бу ҳақида Д.Нурадинновга маълум қилганида у хавотир олмаслигини, кредит қарзларини ва радардан келган жарималарни ҳам тез орада тўлашини айтган, лекин у тўламаганлиги боис банк ходимлари уйига келиб кредит қарздорликларини тўлашини ёки бўлмаса автомашинани топиб беришни сўрашни бошлаганлигини, ХХХХга бу ҳақида айтганида у уни алдаб юрганлигини, ундан автомашина ҳақида сўраган вақтида у автомашинасида йўл траснпорт ҳодисасига учраганлигини автомашина жарима майдонида ёки устада эканлигини айтиб баҳона қилишни бошлаганлигини, кейинчалик одамлардан ХХХХ автомашинани Самарқанд вилоятига олиб бориб сотиб юборганини эшитганлигини, бу ҳақида ўзига айтганида у бу гапларни тан олмасдан, уни алдашда давом этиб, кредит маблағларини тўламасдан юрганлигини, кейинчалик ундан автомашина учун кредит пулларини тўлашини айтиб бир қанча вақт талаб қилиб юрганлигини, сўнг ариза билан мурожаат қилганлигини, ҳозирда банкдан олинган кредит маблағлари тўлиқ тўланганлиги сабабли судланувчи ХХХХга бирор-бир давоси йўқлигини, унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.



Фуқаровий даъвогар вакили ХХХХнинг суд мажлисидаги, яъни у АТБ “Капиталбанк” суд ундирув бўлимида юрисконсулт лавозимида ишлашгани, 11.06.2024 йилда АТБ “Капиталбанк” Қорақалпоғистон филиали билан фуқаро ХХХХ ўртасида 128/5937/М5А-сонли кредит шартномаси тузилганлигини, ушбу кредит шартномаси асосида ХХХХнинг номига “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгили автомашинасини сотиб олиш учун 151.090.000 сўм миқдорига пул маблағлари йиллик 27.9 фоиздан 60 ой муддатга ажратилганлигини ва ушбу автомашинанинг ўзи гаров шартномаси асосида гаровга қўйилганлигини ва ойлик тўлов графиги тақдим қилинганлигини, лекин ХХХХ белгиланган тўлов графиги асосида умуман тўловни амалга оширмаганлигини, кейинчалик у билан мазкур масалада суҳбатлашишган вақтда автомашинани қариндоши ХХХХ бошқариб юрганлигини кейинчалик у автомашинани Самарқанд вилоятида сотиб юборганини маълум қилди сўнг, ушбу қарздорлик бўйича Фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманларо судига ариза билан мурожаат қилиб, ундиришни гаровга қаратиш ҳақида кўрсатиб ўтишганлигини, ҳозирда автомашина бўйича банк томонидан ажратилган кредит маблағи тўлиқ сўндирилганлиги сабабли Ж.Нуррадинов ва судланувчи ХХХХга нисбатан даъвоси йўқлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ ХХХХнинг суд мажлисидаги, яъни 2024 йил 16 август куни дугонаси ХХХХ билан бирга Самарқанд вилоятига бориб айланиб келмоқчи бўлишганлигини ва шу куни соат 20:00 да ХХХХ, танишлари ХХХХ ва ХХХХ билан биргаликда ХХХХнинг бошқарувидаги “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгили автомашинасида Эллиққалъа туманидан Самарқанд вилоятига қараб йўлга чиқишганлигини, эртаси куни яъни 2024 йил 17 август куни соат 04:00 да Самарқанд вилоятига етиб боришганлигини, кейинчалик соат 14:00 га қадар автомашинада ўтиришганлигини, шу вақтда у дугонаси ХХХХ билан ўзаро гап талашиб қолишганлигини, шу сабабли ХХХХ Эллиққалъа туманига қайтиш мақсадида автомашинадан ХХХХ билан бирга тушиб кетишганлигини, сўнг ХХХХ телефон орқали кимлар биландир ўзаро гаплашиб ўтирганлигини, уни гапларидан у автомашинасини сотмоқчи эканлигини тушунганлигини, шундан кейин орадан кўп вақт ўтмасдан унга олдиндан таниш бўлмаган одамлар келиб ХХХХга пулларни бериб автомашинани олиб кетишганлигини, кейин улар бир кун Самарқанд вилоятида қолиб эртаси куни йўловчи автомашинада Эллиққалъа туманига қайтиб келишганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ ХХХХ гувоҳ ХХХХнинг кўрсатувларига ўхшаш бир хил мазмундаги кўрсатув берди.

Суд мажлисида судланувчи ва бошқа тарафларнинг розилиги билан судга келмаган гувоҳ ХХХХнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди ва судланувчи томонидан унинг кўрсатувлари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддасида “Жиноят содир этганликда айбланаётган шахс унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда ошкора суд муҳокамаси йўли билан исботланмагунча ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланади. Судланувчига ўзини ҳимоя қилиш учун барча имкониятлар таъминланади” деб қўйилган.



Шунингдек, судланувчи ХХХХнинг ушбу жиноятни содир этганликдаги айби АКБ “Капиталбанк” Нукус ягона филиали Беруний минибанк томонидан берилган ариза (ж.и. 4 в.), жабрланувчи ХХХХни аризаси (ж.и. 31, 43 в.), “Lacetti Gentra” русумли 95 М ХХХХ давлат рақам белгили автомашинасига ХХХХни номига олинган суғурта полисини фото сурати (ж.и. 59 в.) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясига баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан фирибгарлик яъни алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзганинг кўп миқдордаги мулкани ёки мулкига бўлган ҳуқуқини қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи ХХХХга жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар вакилининг даъвоси йўқлигини, қарамоғида 2 нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз мақсадларда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳолайди.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Суд судланувчи ХХХХга жазо тури ва миқдорини танлашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини эътироф этган ҳолда, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ЖК 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, шунингдек, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий аҳволи, икки нафар фарзандлари борлигини, иш бўйича жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар вакилига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, уларнинг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ЖК 168-моддасининг 5-қисми талабларини инобатга олиб, судланувчи ХХХХга нисбатан унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, суд жиноят иши бўйича жабрланувчи ХХХХ ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини инобатга олишни ва уларга етказилган қўшимча моддий зарар ҳамда маънавий зиённи ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда ХХХХнинг яшаш жойи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ҳамда ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 471,473-моддаларига асосан

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

ХХХХ (ХХХХ) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбли деб топилсин.

ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

ХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибда, 2025 йил 25 июлдан 2025 йил 8 августга қадарли қамоқда сақланган (15 кун) ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларини уч кунига тенглаштириб, (45 кун) тайинланган жазодан чегириб ташлаб, ўташ учун узил-кесил ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 10 (ўн) ой 15 (ўн беш) кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

ХХХХга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини, Эллиққалъа туман ИИО пробация гуруҳи белгилаб берган жойда ўтасин, жазо ўташ муддати ХХХХ ишлаб бошлаган кундан ҳисоблансин.

Тайинланган жазони ижросини назорат қилиш Эллиққалъа туман ИИБ ҚХ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.



XXXXга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXXX ва фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар тўлик қопланганлигини инобатга олинсин ва шу билан бирга уларга қўшимча етказилган моддий зарар ҳамда маънавий зиённи аниқланган тақдирда уни ундириш масаласида тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда XXXXнинг яшаш жойи бўйича фуқаролик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарлар эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига апелляция тартибида ёки истаклари бўйича ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

Ш.Розимов

